Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 145 (5736).
27 ИЮНЬ 1985 Й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ФАН БИЛАН МЕҲНАТ ИТТИФОҚИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК, ТЕЗРОҚ ОЛҒА ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ УКРАИНА ПОЙТАХТИДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 25 июнда Москвадан Киевга жўнаб кетди.

Аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

* * *

Ўртоқ М. С. Горбачев шу куниёқ Киевга келди. Аэропортда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкий, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Шевченко, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко, республика ҳамда шаҳарнинг бошқа партия ва совет раҳбарлари кутиб олдилар. (ТАСС).

* * *

КИЕВ, 25 июнь. (ТАСС). Ишчилар, мутахассислар, олимлар, кўпгина шаҳарликлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан учрашув ва суҳбатлар вақтида социал иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, интизом, тартиб, уюшқоқликни мустаҳкамлаш йўллари тўғрисидаги фикрларини конкрет равишда, эўр манфаатдорлик билан баҳам кўрдилар. Улар КПСС XXVII съезди арафасида ўртага қўйилган кенг миқёсли вазифаларни бутун халқ маъқуллаб қутиб олганлигини, чунки партия амал қилаётган йўл совет кишиларининг орзу-умидларига мос бўлиб тушаётганлигини таъкидладилар. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати Марказий Комитет апрель Пленумининг қарорларидан ва партиянинг кейинги вақтлардаги бошқа ҳужжатларидан келиб чиқадиган ишларни қатъият билан давом эттирсинлар деган истак билдирилди. Республиканинг ҳар бир меҳнаткаши буларнинг ҳаммасини ўз иши ва шахсий намунаси билан актив қўллаб-қувватлайди. Бугун Киевдаги илмий ташкилотларда, конструкторлик бюроларида, завод цехларида Михаил Сергеевич шаҳар бўйлаб сафар қилган вақтда майдонлар ва кўчаларда учрашув ҳамда суҳбатлар бўлиб ўтди.

Жуда катта илмий-техника комплекси — Украина ССР Фанлар академиясининг Е. О. Патон номидаги Электр пайвандлаш институти жуда машҳурдир. Украина ССР Фанлар академияси президенти, институт директори академик Б. Е. Патон, бошқа олимлар М. С. Горбачевни республика Фанлар академияси фаолиятининг асосий йўналишлари билан, фантехника тараққиётини жадаллаштиришга у қўшаётган ҳисса билан таништирдилар.

Академик яқинда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш йўл-йўриқлари ва хулосалари асосида республика олимлари бажаришн лозим бўлган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Бу вазифалар илм-фанни, техникани, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш асоси бўлмиш фундаментал ҳамда амалий тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборатдир. Халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларидаги корхоналар билан, мамлакатнинг етакчи олий ўқув юртлари билан Украина ССР Фанлар академияси қалин алоқалар боғлаган. Фан билан ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро алоқалари янги формаси — ўз самарадорлигини исботлаган инженерлик марказлари айни Украина ССР Фанлар академиясида вужудга келди ва ривожланди. Шундай марказларнинг олтитаси Электр пайвандлаш институтида ишлаб турибди.

М. С. Горбачев институт составига кирган махсус электр металлургия заводи мисолида электрон-нур технология инженерлик марказининг иши билан танишди. Унинг составида конструкторлик-технология бюросининг бир қанча бўлимлари ҳамда хўжалик ҳисоби принципига мувофиқ ишлайдиган ва турли министрликлар, идораларнинг корхоналари билан боғланган тажриба заводининг цехи бор. Бундай структура маҳкамачилик тўсиқларини муваффақиятли бартараф этиб, «ғоя—ишлаб чиқариш» циклини анча жадаллаштириш имконини беради. Илмий бўлим инженерлик маркази билан биргаликда ишлаб чиққан янги композицион материаллар ва уларни саноат кўламида ишлаб чиқариш технологияси ҳозиргадаёқ замонавий машинасозликда кенг қўлланилмоқда. Масалан, газ турбиналарининг паррақларидаги ҳимоя қопламалари айни вақтда иш газининг температурасини ошириб, бинобарин эса турбинанинг қувватини ошириб, паррақларнинг ишлаш ресурсини бир неча баравар кўпайтириш имконини бермоқда.

Электр шлак технологияси ва ҳимоя қопламалари инженерлик марказларининг ишлари кенг намойиш қилинди. Мана шу марказларнинг ечимлари саноатнинг бир қанча тармоқларига туб ўзгаришлар киритди.

М. С. Горбачев инженерлик марказларининг афзалликларига баҳо бериб ҳозир, олимлар ва мутахассисларнинг фикрича, бир қанча ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий проблемалар ва кадрлар проблемасини ҳал этиш зарурлигини қайд этиб ўтди. Ана шу проблемалар тармоқ министрликлари ва идораларининг ихтиёридадир. Бу нарса фан ютуқларини практикага жорий этиш йўлидаги «танг жойлар»ни тугатиш, техника тараққиёти масалаларини тубдан ва тезроқ ҳал этиш имконини беради.

М. С. Горбачев магистрал газ қувурлари қурилишида қўлланиладиган «Север ва Стик» механизациялаштирилган йиғув-пайвандлаш комплексларини, бошқа илғор пайвандлаш техникасини, шунингдек катта диаметрли қувурларнинг янги типини — электр ёрдамида пайвандланган кўп қатламли қувурларни кўздан кечирди. У коллективнинг технологиялар ишлаб чиқиш борасидаги куч-ғайратларига, фаннинг ишлаб чиқариш билан янги алоқа формаларини доимо излаётганлигига ижобий баҳо берди.

Суҳбатда фанни жадал ривожлантиришни ва унинг ютуқларидан халқ хўжалигида фойдаланишни активлаштириш мақсадида бошқарув ва хўжалик механизмини такомиллаштириш масаласи тўғрисида гап борди.

Туштан кейин М. С. Горбачев киевлик самолётсозлар ҳузурида бўлди. У йиғув ва синов цехларининг иши билан танишди, янги хил авиация техникасини яратаётган ишчилар, инженерлар, конструкторлар билан суҳбатлашди.

Майдончалардан бирида Михаил Сергеевич АН—124 самолётини кўздан кечирди. У лайнер ичига кирди, бу ерда дунёдаги энг катта ва тежамли самолётнинг бунёдкорлари билан гурунг бўлди. «Руслан» деб аталган бу машина яқинда Парижда бўлиб ўтган авиация—космик техникаси халқаро виставкасида ҳақли равишда биринчи экспонат деб топилди.

Авиация саноати министри И. С. Силаев, бош конструктор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. В. Балабуев, авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Г. Олешко, бошқа мутахассислар самолётсозликдаги фан-техника тараққиётини таъминлаётган илдам тадқиқотлар ва лойиҳаларнинг комплекс-тармоқ программаларини коллектив қандай бажараётганлиги ҳақида ахборот бердилар. АН—124 самолёти шу программани рўёбга чиқаришнинг биринчи натижасидир. Бу машина мамлакат шимоли ва шарқининг бориш қийин бўлган территорияларини ўзлаштиришда беқиёсдир. Уни оммавий равишда ишлаб чиқариш ўн иккинчи беш йилликдаёқ мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришни жадаллаштиради, деб таъкидлади М. С. Горбачев.

Суҳбатда, жумладан самолётларни лойиҳалашни комплекс автоматлаштириш, ҳозирги замон авиация техникасида алоҳида роль ўйновчи электроникани такомиллаштириш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг бир қанча масалалари кўриб чиқилди. Келажак самолётларини яратиш нуқтаи назаридан корхона билан тажриба-конструкторлик бюросининг лабораторияларини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси тўғрисида гапириб, янги, эркин жамият барпо этишда мозамбикликдўстларга муваффақиятлар тиладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ғ. З. Заҳриддинов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— КПСС XXVII СЪЕЗДИГА

ПЕШҚАДАМ БРИГАДА

Александр Фогель бошлиқ токарлар бригадаси ҳақли равишда «Ташсельмаш» заводининг энг илғор коллективларидан бири ҳисобланади. Бригада смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этибгина қолмай, маҳсулотларнинг ҳамиша аъло сифатли бўлишини таъминлайди. Бунда бригада етакчисининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. А. Фогелнинг мазкур корхонада меҳнат қилаётганига ўн саккиз йил бўлди. Ана шу вақт ичида у токарлик касбининг бутун сир-асрорларини мукаммал ўзлаштириб олди, бой тажриба тўплади. Ҳозир у ўз тажрибаларини ҳамкасблари билан сидқидилдан ўртоқлашмоқда.

Барча машинасозлар қатори станокчилар коллективи ҳам «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббуси билан чиққан республикамиз ва Тошкент шаҳри ишлаб чиқариш илғорларининг даъватини якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Бригада ўз зиммасига оширилган мажбурият қабул қилди. Жумладан, улар йиллик планни муддатидан илгари — 27 декабрда адо этишга аҳд қилдилар.

Коллектив юксак мажбуриятини шакшубҳасиз шараф билан адо этади. Бригададаги ўзаро ҳамжиҳатлик, бутун коллектив меҳнати натижалари учун масъулият ҳисси бунинг гаровидир. Машинасозлар коммунистлар анжуманига энг яхши тўёна — меҳнат совғалари эканлигини яхши тушунадилар.



СУРАТДА: бригада етакчиси Александр Фогель.

Т. Каримов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси навбатдаги мажлисида колхозлар, совхозларнинг, пахта тозалаш заводларининг коллективларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш янги шароитларида юксак пировард натижаларга эришишга сафарбар этиш борасида Андижон область партия комитетининг фаолияти тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахта ва пахта маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш, унинг нобудгарчилигини камайтириш, сифатини ошириш тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ пахта тайёрлаш системасининг қайта қурилгани ҳамда толага қараб ҳақ тўлашга ўтилгани пахтачиликни ва деҳончиликнинг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришга кўмаклашди. Областда пахта тайёрлаш умумий ҳажмида биринчи ва иккинчи сортли пахта улуши 74 процентгача етди. Тола чиқиши 1983 йилдаги 28,2 процент ўрнига 31,5 процентни ташкил этди. Шунинг ҳисобидангина область хўжаликлари қўшимча салкам 9 миллион сўм пул оладилар.

Шу билан бирга Марказий Комитет Бюроси қайд этиб ўтганидек, область партия комитети, район партия комитетлари, хўжаликлар ва пахта заводларининг партия ташкилотлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, хом ашё ва пахта маҳсулоти сифатини яхшилаш соҳасида ҳали ишларни бекаму кўст олиб бораётганлари йўқ. Деҳончиликнинг илмий асосланган системалари суст жорий этилмоқда, пахта теримини механизациялашда етарлича қатъият кўрсатилмаяпти, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашда, планлаштириш ва ҳисоб-китоб ишларида камчиликлар бор. Андижон область партия комитетларига, совет ва хўжалик органларига 1984 йилги ҳосил пахтасини тайёрлаш ва уни қайта ишлаш якунларини танқидий анализ қилиш ҳамда қўшимча равишда ташкилий, агротехник, мелиоратив ва иқтисодий тадбирларни амалга ошириш таклиф этилди. Мавжуд резервлардан фойдаланиш, технологияга, стандартларнинг талабларига риоя этилиши учун раҳбарлар билан мутахассисларнинг масъулиятини ошириш лозим. Фан-техника тараққиёти ютуқларини пахтачиликка жорий этиш зарурлигига, тармоқни саноат негизига ўтказишга, меҳнат сарфини ҳамда пахтани йиғиб-териб олиш ва қайта ишлаш муддатларини қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалиги министрлигига, ВАСХНИЛ ўрта Осиё бўлимига хўжаликлар билан пахта тозалаш заводларининг ўзаро муносабатларини ҳар томонлама ўрганиш, пахтачиликда агросаноат интеграциясини ривожлантириш, эксперимент тариқасида пахтачилик агросаноат бирлашмаларини ташкил этишга оид таклифларни ишлаб чиқиб, тақдим этиш топширилди.

Марказий Комитет Бюроси Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги коллегиясининг кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида уларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш борасидаги иши тўғрисида ҳисоботни муҳокама қилди. Бюро коллегиядан ва министр ўртоқ Ғ. Н. Насриддиновдан кадрлар билан ишлаш практикасидаги жиддий нуқсонларни бартараф этишни, партиянинг кадр сиёсати масалаларига оид йўл-йўриқларига оғишмай риоя этишни, шу асосда бу йилги ва умуман бешинчи йиллик топшириқлар ҳамда мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашни талаб этди. Маҳаллий саноат министрлигининг партия ташкилотига партия бюросининг мажлисларида ва коммунистларнинг йиғилишларида министрлик раҳбарлари ҳамда бошқа масъул ходимлар КПСС Устави талабларини қандай бажараётганликлари тўғрисида уларнинг ҳисоботларини тинглаб туриш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кўчайтириш таклиф қилиндн.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси республика партия ташкилотларининг ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишларига оид бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Клуб ва спорт ишини янги даражага кўтарайлик

Республика меҳнаткашларини гоявий-маънавий тарбиялаш, уларни социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга сафарбар қилиш ишида клуб муассасалари ҳамда спорт иншоотларининг роли йил сайин ортиб бормоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 25 июнь куни бўлиб ўтган кенгашда клуб ва спорт ишларини янада такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети аппаратининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кенгашда таъкидлаб ўтилганидек, маданий-спорт комплекслари меҳнаткашларни ахлоқий-маънавий, эстетик ва жисмоний тарбиялашнинг чинакам манбалари бўлиб қолиши, одамларнинг ижодий қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириши лозим. КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори шуни талаб этади. Уларнинг бир қисми бошқа мақсадларда фойдаланилаётганлиги, кўплари эса энг оз самара билан ишлаётганлиги қайд этиб ўтилди. Янги маданият ва спорт марказлари қурилиши йўл қўйиб бўлмайдиган даражада чўзиб юборилмоқда.

Кенгашда ҳозирги вақтда республикада клуб муассасалари ва спорт иншоотларининг штатдаги ходимлари кўп эканлиги айтилди. Аммо уларнинг фаолият даражаси ҳали кун талабларига, одамларнинг ошиб кетган маънавий талаб-эҳтиёжларига мос келмаяпти. Айниқса, қишлоқда бутун маданий-оммавий ва спорт ишларининг анча юксалтирилишини таъминлашлари лозим бўлган кадрларни тайёрлашга нисбатан талабчанликни ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ВЬЕТНАМЛИК МЕҲМОНЛАР ТОШКЕНТДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Москвага бораётган Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан бошчилигидаги Вьетнам Социалистик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси 26 июнь куни Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида Ле Зуанни ва делегациянинг бошқа аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров самолёт пиллапояси ёнида кутиб олдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуратов, В. П. Анишчев, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазатов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, В. А. Хайдуров, бошқа расмий кишилар ҳам кутиб олишда қатнашдилар.

Кутиб олувчилар орасида ВСРнинг СССРдаги элчиси Динь Ньо Лием бор эди. Меҳмонларни республика пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари, Тошкент ўқув юртларида таълим олаётган вьетнамлик йигит ва қизлар табрикладилар.

Делегациянинг келиши шарафига аэропортда ВСР, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари кўтарилган эди.

Болалар делегация аъзоларига гуллар тутишди.

Вьетнам партия-ҳукумат делегацияси аъзолари тушган автомашиналар кортежи аэродромдан мотоциклчиларнинг фахрий эскорти ҳамроҳлигида ўзларига ажратилган қароргоҳга томон йўл олди.

Ўзбекистон пойтахтининг автомашиналар кортежи ўтган кўчалари ва майдонларига ВСР, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари, вьетнам, рус ва ўзбек тилларидаги табрик транспарантлари осилган эди. Йўл бўйи минглаб тошкентликлар Ле Зуанни ва делегациянинг бошқа аъзоларини самимий табриклаб турдилар.

(ЎзТАГ).

МОЗАМБИК ХАЛҚИ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари Мозамбик Халқ Республикаси мустақил деб эълон қилинганлигининг 10 йиллигини кенг нишонладилар. Шаҳар жамоатчилиги намояндаларининг 25 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиши дўст мамлакатнинг миллий байрамига — Мустақиллик кунига бағишланди. Ҳозир бўлганлар орасида Ўзбекистон пойтахтидаги олий ўқув юртлари ва техникумларда таълим олаётган мозамбиклик йигит ва қизлар бор эди.

Сўзга чиққан нотиқлар озодлик шароитида ривожланишнинг ўн йили мобайнида Мозамбик халқи эришган муваффақиятлар, мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорлик, Совет Ўзбекистони МХР билан ҳар томонлама алоқаларни

• Антисанитарияга—ўт очайлик!

ТАРКИ ОДАТ—АМРИ МАҲОЛ

Ташвишли сигнал

Осмондан тушдимн, ердан чиқдимн, аммо, Горький проспектндаги 91 ва 93-уйлар оралиғидаги қандолат маҳсулотларн билан савдо қилувчи киоск ва музқаймоқ дўконн ёнида кўрилнш плиталарн пайдо бўлнб қолдн. Ўз-ўзндан кўнгилсиз бу ҳол аввалнга қўшин уйларда яшовчнларда айтарлн ташвнш уйғотганн йўқ. «Зарур бўлса керак-да, шунинг учун ҳам пайдо бўлгандир», деб ўйлашдн улар. Тез орада қурилиш материалларн ўз ўрнинн топадн, киоска атрофн эса яна озода ва кўкаламзор бўладн, деб умнд қилишгандн.

Афсус бундай бўлмадн. Плиталар ёнида ахлат уймнн вужудга кела бошлаши билан аҳолида дастлабкн ташвнш белгнларн пайдо бўла бордн. Ахлат уюмн кўпайиб, сон-саноқсиз пашшалар тнннм бермай қўйгач ташвиш ҳам кўпайиб кетдн,

Аввалнга ахлатга қаршн энг содда усул билан қурашиб кўришдн: ахлатнн ўт олдирнб юборишдн. Аммо дарҳол бундан ўзларн афсусландилар — тутун кўз очирмай қўйдн, ҳаммаёқнн дуд босиб кетдн. «Йўқ, бу усул бизга тўғрн келмас экан», деган қарорга келнб, аҳолн Тошкент шаҳар Совети ижроня комнтетнннг ободонлаштнрнш Бош бошқармасига хат ёзнб юбордн.

У ерда масаланн тез ҳал этнб, шнкоятнн Куйбншев район ижроня комнтетнга йўлладилар. Ижроня комнтетнда ўз навбатнда ахлатнн йўқотнш учун бутун чоралар кўрилдн. Чоралар кўрилдн-ю, аммо уларнннг бажарилншнн текшнрншга эрнндилар. Кнскалар ёнида тартнб ўрнатилганлнгн ҳақнда хабар олннганндан кейнн Куйбншев район ижроня комнтетн раснснннг ўринбосарн Р. Мусабоев аҳолнга қуйндагн мазмундагн расмнй жавобнн йўлладн: «Халқ депутатларн Куйбншев район Советнннг ижроня комнтетн плнталар ва маншнй чнқнндилариин тугатнш масаласнга доир шнкоятнигнзга жавобан маълум қнладн: ҳознргн вақтда плнталар ва ахлат олнб кетнлган». 16 апрель деб анық кунн ҳам кўрсатилдн.

«Бу қандай бўлдн,—ҳайрон бўлдн аҳолн. — Ахлат чнндан ҳам йўқ—олнб кетнлдн. Аммо плнталарга ҳеч кнм кўл текнзгнн йўқ-ку. Кўрнннб турнбдннн, ахлат уюмн яна пайдо бўлншн мумкнн». Чнндан ҳам май ойн ўрталарнда қурилнш матерналлари яқнндя яна ахлат уюмн қад кўтара бошладн.

... Совуққонликнни биз ёқтнрмаймнз. Ҳар бнр совет ходнмн учун хос бўлган ҳушёрлнк, меҳрнбонлнк, ҳамдардлнк фазилатларн тўғрндан-тўғрн касб бурчн бўлган кншнлардагн совуққонлнк билан айнқса чиқншнб бўлмайдн.

Эслатнб ўтамнз, газетага сохта жавоб бернш масаласнга бнрнннчн марта қайтаётганнмнз йўқ. Ўтган йнл 8 нюндя «Оқшом»да «Мнсснснпн нрмоғн ёкн кнчнк масалядан тўрт-парча катта сохта жавоб тайёрлаш мумкнннлнгн хусусндя» сарлавҳалн танқндий матернал эълон қнлнпган эдн. Долзарб масаланн четлаб ўтнш ва унн ҳал этнш учун ҳеч нарса қнлмаслнк маҳоратн билан газетхонларнн ҳам, редакцнянн ҳам ҳайратда қолдирган яна шу мақоланнпг бош қаҳрамонн кнм эдн! «Район нжроня комнтетн раснснннг ҳурматлн ўринбосарн Р. Мусабоевнпг ҳудн ўзгнпасн эдн. Орадан бнр йнл ўтнбдн, аммо кўрнпнб турнбдннн, тарки одат — амрн-маҳол экан.

Аммо, келнпг, сўнгги фактга қайтайлнк, Балкн у арзнмаган масалядек туюлар. Кўчанк тартнбга келтнрнш, унн ахлатдан тозалаш ҳақнда қайгурнш ҳам муаммо бўлнбдпмн! Ана шу арзнмаган ншнн бажарнш ўрнпга сохта жавоб йўллашнбдн. Сохта жавоб қандай масала хусусндя бўлмаснн кашта салбнй таъснр кўрсатадн, ана шундай жавобларнн йўлловчнлар эса ншончнн йўқотадн. Ваҳоланкн, нжронн текшнрнш учун Куйбншев район нжроня комнтетндан Горький проспектнгача ўн мннутда бормш мумкнн эдн... Лекнн тарки одат —амрн маҳол экан-да! Шундай одатнн мутлақо тарк этнш пайтн келмадпмнкан!

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАР МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ВАРШАВА, 25 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари В. Таланов, А. Шаповалов). Бугун бу ерда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг 40-мажлиси очилди. Мажлис қатнашчилари социализмнинг барпо этилиши, — ўз мамлакатларининг ривожланиши ва равнақ топиши иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалаба туфайли мумкин бўлганлигини, бу Ғалабага Совет Иттифоқи ҳал қилувчи ҳисса қўшганлигини якдиллик билан қайд этиб ўтмоқдалар. Жаҳон социалистик системасининг ташкил топганлиги социалистик интернационализм, тўла тенг ҳуқуқлик, суверенитетни ва миллий манфаатларни ҳурмат қилиш принципларига асосланган янги типдаги давлатлараро иқтисодий муносабатларни қарор топтириш учун шарт-шароит яратганлиги таъкидланмоқда. Ҳозир социализм қудратли интернационал куч, инсоният тинчлиги ва тараққиётининг енгилмас омили бўлиб қолди.

Сессия ишида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар, шунингдек Югославия делегациялари қатнашмоқда. Бир қанча мамлакатлардан кузатувчилар ҳозир бўлишган.

Мажлисни ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси **В. Ярузельский** очиб, унинг қатнашчиларини самимий табриклади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши Ижроия комитетининг раиси, ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Я. Ободовский** Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг 39- ва 40-мажлислари ўртасида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг фаолияти тўғрисида Ижроия комитет номидан доклад қилди.

Сессия қатнашчилари 1986—1990 йилларда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида қатнашувчи мамлакатлар халқ хўжалик планларини мувофиқлаштиришнинг бориши ва келишиб олинган соҳалар ҳамда объектларга капитал маблағ сарфлаш тўғрисидаги; Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000 йилгача бўлган даврда материал ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик программасининг лойиҳаси ҳақидаги ва бошқа масалаларни кўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисда докладларни муҳокама қилиш бошланди.

Сессияда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. А. Тихонов** нутқ сўзлади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ҳозирги сессияси, деди у, муҳим сиёсий воқеаларга бой бўлган бир даврда ўтмоқда.

Мамлакатларимиз халқлари иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини яқинда тантанали нишонладилар. Бу Ғалаба инсоният тарихидаги бурилиш нуқтаси бўлди, жаҳон социалистик системасининг қарор топиши ва ривожланишини бошлаб берди. Ленининнинг социализм «бутун жаҳон сиёсатига ҳал қилувчи таъсир ўтказишга қодир» кучга муқаррар айланади деган зукко башорати рўёбга чиқди.

Ҳозир қардош мамлакатлар ҳаётида навбатдаги партия съездларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, келгуси беш йилликда ва олис истиқболда социал ҳамда иқтисодий ривожланишнинг янги марраларини белгилаб олишдан иборат масъулиятли давр бошланди.

Ҳамдўстлик мамлакатларини ривожлантиришда эришилган даража, бизнинг жипслигимиз, мустаҳкамланиб бораётган баҳамжиҳат ҳаракатимиз келажакка комил ишонч билан назар ташлаш имконини бермоқда. Бироқ социализм тақдири учун масъулият, янги мураккаб ва кенг миқёсли вазифаларни ҳал этиш зарурати зиммамизга яна ҳам қизғин ишлаш мажбуриятини юклайди.

Совет халқи партия XXVII съездини ижодий ғайрат-шижоат жўш урган бир вазиятда кутиб олмоқда. Асосий кўрсаткичлар бўйича шу беш йилликка белгиланган топшириқларнинг бажарилиши таъминланмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг кенг программасини олға сурди. Фан-техника тараққиёти — шу программанинг бош бўғинидир. Яқинда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда ана шу масалалар батафсил муҳокама этилди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачевнинг докладида мамлакатнинг социал-иқтисодий аҳволи ҳар томонлама анализ қилинди. Яқин йилларда ва келгусида халқ хўжалигини жўшқин ривожлантириш йўллари белгиланди.

Гап стратегик муҳим йўналишларда тез олға силжиш, ишлаб чиқаришни структура жиҳатдан қайта қуриш, интенсив ривожланиш йўлига, бошқарувнинг самарали формаларига ўтиш, социал проблемаларни яна ҳам тўлиқроқ ҳал этиш тўғрисида бормоқда.

1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларини айни шу позицияларда туриб пухта ишлаб чиқмоқдамиз. Шу жиҳатдан яқин ўн иккинчи беш йиллик бурилиш даври бўлиб қолиши керак. Бу беш йиллик бутун узоқ муддатли истиқболнинг йўналишини белгилаб бериши лозим.

Ҳамдўстлик доирасида ҳам бу вазифалар шу қадар ўткир бўлиб турибди. Москвада олий даражада ўтказилган Иқтисодий кенгашда келишиб олиб ишлаб чиқилган стратегия ана шу вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Империализмнинг айби билан хатарли халқаро вазият сақланиб қолаётганлиги ҳам социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда, деб таъкидлади Н. А. Тихонов.

АҚШнинг агрессив сиёсати, у авж олдирган қуролланиш пойгасининг, айниқса ядровий қуролланиш пойгасининг янги даври, космосни ҳарбийлаштириш йўлидаги уринишлари — ана шуларнинг ҳаммаси халқаро кескинликни ғоят кучайтириб юбормоқда. Империализм сиёсий, иқтисодий, мафкуравий ва ҳарбий соҳаларда социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик ҳаракатларини кучайтирмоқда. Еттита етакчи капиталистик давлат бошлиқларининг Боннда ўтказилган кенгаши буни яна бир марта яққол кўрсатди.

Социализмни иқтисодий жиҳатдан заифлаштиришга, қардош мамлакатлар бирлигини бўшаштиришга асосий умид боғланмоқда. Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар раҳбарларининг апрель ойидаги учрашувида қайд этиб ўтилганидек, бу ҳол бизнинг зиммамизга куч-ғайратларимизни яна ҳам маҳкамроқ бирлаштириш, таркиб топган ҳарбий-стратегик мувозанатни сақлаб қолиш, ядро ҳалокатининг олдини олиш, Ғарбнинг иқтисодий тазйиқига қарши туриш манфаатларини кўзлаб, ҳамдўстликнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш учун яна ҳам зўр ғайрат билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш мажбуриятини юклайди.

Сўнгра Н. А. Тихонов ҳамдўстлик мамлакатлари кенгаш қарорларини бажара бориб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириб олишда олға силжиганликларини қайд этиб ўтди. Мамлакатларнинг кўпчилиги 2000 йилгача даврга мўлжалланган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка оид икки томонлама программаларни имзолади.

Келгуси беш йиллик халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш тугалловчи босқичга кирди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги мамлакатларнинг ёқилғи ва хом ашёга бўлган оқилона талаб-эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида узоқ муддатли ҳамкорлик лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Кривой Рог кон-саралаш комбинати, Ямбург—СССРнинг ғарбий чегараси ўртасидаги газопровод каби катта-катта объектларда ҳамкорлик қилиш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Нотиқ иқтисодий масалалар юзасидан қардош партиялар Марказий Комитетлари секретарлари кенгашининг муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Кенгаш партиявий таъсирнинг кучайтирилиши интеграциямизни анча жадаллаштириш, бир-биримизнинг хўжалик қурилишимиз практикасини чуқурроқ ўрганишни, экономика самарадорлигини ошириш, тараққиётимиз суръатларини жадаллаштириш учун қардош мамлакатларнинг энг яхши ютуқларидан фойдаланишни таъминлашга қодир эканлигини кўрсатди.

Биз куч-ғайратимизни диққат-марказига қўйишимиз зарур бўлган энг муҳим нарса—фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифаларига қатъиян ўтиб олишдан иборат. Коллектив бўлиб ишлаб чиқиладиган комплекс программа биринчи даражали аҳамият касб этади. Бу программа фан-техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларида биргаликда қиладиган ҳаракатимизнинг 2000 йилгача бўлган истиқболдаги асосларини белгилаб бериши керак. Бу программани амалга оширишни биз янги туркум техникасига, замонавий технологияларга ўтиш билан, ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, бошқа иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этиш билан боғламоқдамиз. Шунинг учун ҳам у конкрет вазифалари, бажарилиш муддатлари белгиланган, пировард натижаларга аниқ йўналтирилган ҳаракат программаси бўлиши лозим. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши Фан-техника ҳамкорлиги комитетининг бурчи — биз Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг навбатдаги сессиясида қабул қилишимиз мумкин бўлган программани ўз вақтида ва сифатли тайёрлаб беришдан иборат.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш барча маҳсулот сифатини яхшилаш билан чамбарчас боғлиқдир. Сифат проблемасини ҳал этиш—миқдор проблемасини ҳам ҳал этиш демакдир. Бу— мамлакатларимиз эҳтиёжларини янада тўлиқ қондиришнинг, моллар тақчиллигига барҳам беришнинг ишончли йўлидир.

Моддий ресурсларни тежаш ҳамкорликнинг бошқа бир етакчи йўналишидир. Бу йўналиш ёқилғи—хом ашё проблемасини ҳал этишнинг энг оқилона йўлидир. Биз 2000 йилгача моддий ресурсларни тежаш бўйича ҳамкорлик юзасидан ушбу сессияга тақдим этаётган программага катта аҳамият бермоқдамиз.

Аҳоли учун моллар ишлаб чиқараётган корхоналарни реконструкция қилиш ва янгилаш соҳасидаги ҳамкорликни истиқболли форма деб ҳисобламоқдамиз. Жумладан қурилиш объектларини батамом битказиб топширишни биз қардош мамлакатларга таклиф қилдик. Ўйлаймизки, бу ҳол ўзаро товар оборотини кенгайтиришнинг салмоқли омили бўлиб қолиши мумкин.

Ҳамдўстликнинг интернационал манфаатларидан келиб чиқиб,— деди Н. А. Тихонов,— Вьетнам, Куба, Монголия билан ҳамкорлик соҳасидаги ишларни активлаштириш керак. Бу мамлакатлар алоҳида мураккаб шароитларда социализм қурмоқдалар ва улар бизнинг ёрдамимиз, мададимизга муҳтождирлар. Ундан мумкин қадар омилкорлик билан ва самарали фойдаланиш, ички манбаларни тўла жалб этиш билан бирга қўшиб олиб борилиши лозимлиги ўз-ўзидан равшан.

Янги беш йилликда Совет Иттифоқи ҳаётий муҳим тармоқларни, шу жумладан экспорт ишлаб чиқаришларини вужудга келтириш ва ривожлантиришда ушбу мамлакатларга иқтисодий ёрдам беришни кўпайтиришни мўлжалламоқда. Чамаси, бу вазифаларни ҳал этишда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасидаги ҳамкорликни ҳам кенгайтириш керак бўлади. Совет делегацияси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг навбатдаги мажлисида Вьетнам, Монголия ва Куба билан меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш масалаларини махсус кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайди.

Совет Иттифоқи қардош мамлакатлар билан биргаликда Хельсинки Якунловчи акти қоидалари руҳида капиталистик давлатлар ҳамда уларнинг иқтисодий гуруҳлари билан нормал тенг ҳуқуқли муносабатда бўлишни ҳамиша ёқлаб чиқмоқда. Шу жиҳатдан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши томонидан ўзаро манфаатли асосда Европа Иқтисодий ҳамжамияти билан ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан янги ташаббус намоён этилди. Бундай ҳамкорлик ҳар икки томоннинг манфаатларига жавоб беришига, Европада ва умуман бутун дунёдаги вазиятни яхшилашда фойдали бўлишига ишончимиз комил.

Пировардида Н. А. Тихонов бундай деди: қардош мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг марксча-ленинча сиёсати, халқларимизнинг ғоявий бирлиги, жипслиги, умумий ишга муносиб ҳисса қўшишга интилиши социалистик ва коммунистик қурилишнинг янги тарихий вазифалари муваффақиятли бажарилишининг мустаҳкам гаровидир.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

ЖАНГОВАР ШАЙЛИК МУСТАҲКАМЛАНСИН

ҲАРБИЙ АКАДЕМИЯЛАР НИ БИТИРИБ ЧИҚУВЧИЛАР ШАРАФИГА КРЕМЛДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

26 июнь куни Катта Кремль саройида ҳарбий академияларни битириб чиқувчилар шарафига қабул маросими ўтказилди. СССР Мудофаа министрлиги билан Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси ўтказган бу қабул маросимида СССР Қуролли Кучларининг, қардош социалистик мамлакатлар армияларининг совет олий ҳарбий ўқув юртларида ўқишни тугаллаган генераллари, адмираллари ва офицерлари, армия ва флотнинг ғоявий чиниққан, юқори малакали кадрларини тайёрлаб етиштирган профессорлар ва ўқитувчилар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. В. Смирнов, КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудири Н. И. Свинкин, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосарлари Совет Иттифоқи Маршали С. Ф. Ахромеев, Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов, Совет Иттифоқи Маршали В. И. Петров, СССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари армия генерали Г. К. Цинев, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, СССР мудофаа министрининг ўринбосарлари, таниқли ҳарбий бошлиқлар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида ҳозир бўлган кишилар томонидан самимий кутиб олинган Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов нутқ сўзлади. У академияларни битириб чиқувчиларни ва уларнинг шахсий составини олий малакали ҳарбий мутахассисларнинг навбатдаги туркуми битириб чиққанлиги билан табриклади ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг табрикномасини ўқиб эшиттирди.

Табрикномада ҳарбий академияларни битириб чиққан кишилар доимо партиянинг ҳозирги замон талаблари даражасида бўладилар, бутун фаолиятлари давомида ўзларига ва қўл остидагиларга нисбатан юксак талабчанлик кўрсатадилар, ҳарбий маҳоратни тинимсиз такомиллаштирадилар, сўз билан ишнинг бирлигига эришадилар, деб қатъий ишонч изҳор этилган.

Қабул маросимининг қатнашчилари бу сўзларни гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Ҳарбий академиялар тингловчиларининг бу йилги битириб чиқиши, деди сўзини давом эттириб СССР мудофаа министри, совет кишилари халқ хўжалиги программаларини ва 11 беш йиллик планларини бажариш устида фидокорона меҳнат қилаётган, Коммунистик партиянинг XXVII съездини янги муваффақиятлар билан кутиб олишга ҳозирлик кўраётган пайтга тўғри келди.

КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати мураккаб, баъзан эса хатарли халқаро вазиятда сабот, қатъият, принципиаллик кўрсатмоқдалар. Совет Иттифоқининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш масалаларини бирон кун эсдан чиқараётганлари йўқ, Ватанимизни, унинг иттифоқчиларини ҳимоя қилиш учун, бизни ҳеч ким ғафлатда қолдира олмаслиги учун, СССР Қуролли Кучларини зарур бўлган ҳамма нарсалар билан таъминлаш борасида куч-ғайратларини аямаяптилар.

Совет Армияси билан Ҳарбий Денгиз Флоти Варшава Шартномаси мамлакатларининг армиялари билан ягона жанговар сафда туриб, империализмнинг агрессив муддаолари йўлига ишончли қалқон бўлмоқдалар, буюк революцион ғалабаларни, тинчлик ва социал тараққиёт ишини ҳимоя қилмоқдалар.

Сўнгра СССР мудофаа министри ҳозир офицерлар олдида бўлинмалар ва қисмларни бошқариш, ўз қарамоғидаги кишиларга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги амалий кўникмаларни такомиллаштиришдан иборат асосий вазифа турганлигини таъкидлаб ўтди.

Ҳарбий иш ҳар қачонгидан ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Қўшинларнинг техникавий таъминоти тез ўсмоқда, қуролли курашнинг принципиал янги воситалари пайдо бўлмоқда, жанговар ҳаракат усуллари такомиллаштирилмоқда. Қўшинлар ва флот кучлари ихтиёрига юборилаётган қурол-яроғ ва жанговар техникани, уставлар ва қўлланмаларни, ҳарбий маҳоратнинг янги масалаларини синчиклаб ўрганиш, Улуғ Ватан урушининг бебаҳо тажрибасига тез-тез мурожаат қилиб туриш, ҳарбий таълим ва хизматнинг илғор тажрибасини практикага дадил жорий қилиш, марксизм-ленинизм назариясини ижодий ўрганиш лозим.

Ҳар бир офицер, генерал, адмирал хизмат бурчини адо этишда шахсий ўрнак, ўзига ва ўз қарамоғидаги кишиларга нисбатан юксак талабчанлик намунасини кўрсатиши лозим. Шундай қилинган тақдирдагина қисмлар ва қўшилмаларнинг шахсий составини жипслаштириш ва ўқитиш мумкин, бу шахсий состав энг қийин вазифани бажаришга ҳамиша шай бўлиб туради.

СССР мудофаа министри сўзининг охирида академияларни битириб чиққан офицерлар ватанпарварлик ва интернационал бурчни садоқат билан ижро этиш намунаси бўлиб қоладилар, социалистик Ватан Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва жанговар шайлигини ошириш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиладилар, деб улар номидан КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматини ишонтирди.

Қабул маросимида В. И. Ленин номидаги Ҳарбий-сиёсий академияни битириб чиққан майор А. Г. Коновалов, М. В. Фрунзе номли Ҳарбий академиянинг кафедра бошлиғи генерал-майор Н. А. Малюгин, профессор Н. Е. Жуковский номли Ҳарбий-ҳаво инженерлик академиясини битириб чиққан Венгрия Халқ Армиясининг капитани Д. Варга сўзга чиқдилар.

Ҳарбий академияларни битириб чиқувчилар шарафига қабул маросими самимий ва сидқидиллик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ИШЧИ КАДРЛАР МАСКАНИ

25 июнь куни Тошкентда ҳунар-техника таълими системаси ходимларининг республика семинари ўз ишини бошлади. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини амалга оширишнинг муҳим масалалари, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари юзасидан КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш талаблари асосида унинг вазифалари семинар қатнашчиларининг диққат марказида турибди.

Сўзга чиққан нотиқлар қайд этиб ўтишганидек, мактаб ислоҳотига оид асосий, ҳужжатлар қабул қилинган кундан буён ўтган бир йилдан кўпроқ вақт ичида республикада муайян ишлар амалга оширилди. Шу беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида 105 та янги ҳунар-техника билим юрти очилди, халқ хўжалиги учун салкам 600 минг киши тайёрланди, ҳунар-техника билим юртларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Касб тайёргарлиги системаси ҳақиқатан ҳам саноатнинг барча тармоқлари учун ишчи кадрлар масканига айланиб қолмоқда.

Аммо мамлакат экономикасини интенсив ривожланиш изларига қатъиян буриб юбориш— фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳозирги замон ишчисидан юксак профессионал кўникмаларнигина эмас, шу билан бирга кенг билим доирасини, ишга ижодий ёндаша билишни ҳам талаб этади. Афсуски, ҳозирча ҳунар-техника билим юртлари бу вазифани тўла даражада уддалай олмаяптилар. Шу билим юртлари ёшларни тайёрлаб чиқариш планини йил сайин бажариб келаётганликларига қарамай, ёш ишчиларни тайёрлаш даражаси ҳали ҳам замонавий талабларни қондира олмаяпти. Бунинг сабаби кўпгина ҳунар-техника билим юртларининг база корхоналари билан яхши баҳамжиҳат ҳаракат қилмаётганликларида, илғор педагогика тажрибаси етарлича оммалаштирилмаётганлигида, ўқитувчи кадрлар қўнимсизлиги юқори даражада эканлигида, айрим ҳолларда эса уларнинг малакаси пастлигида ҳамдир.

Семинарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева нутқ сўзлади.

Семинар қатнашчилари Тошкентдаги ва Тошкент областидаги билим юртларининг, база корхоналарининг иш тажрибаси билан танишадилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

БКП Марказий Комитетининг аъзоси Лоран Ван Борм бошчилигидаги Бельгия Коммунистик партияси активларидан бир группаси Тошкентга келди. Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалига, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига бордилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

26 июнь куни бельгиялик коммунистлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

БКП активлари Самарқандга борадилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўртоқ Ғ. У. Нарумбоевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Совет органларида узоқ йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлиги қишлоқ хўжалик машинасозлиги группасининг мудири ўртоқ Ғани Узоқович **Нарумбоев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри.
1985 йил, 25 июнь.

Ичкиликбозликка— ўт очайлик!

2.ЯНА ҲУШЁРХОНА „МЕҲМОН“ЛАРИ ҲАҚИДА

● «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент», «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияларининг, Ўзбекистон телевидениеси ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг қўшма рейди

Шу йилнинг 14 июнида «Оқшом» ва «Ташкентская правда» газеталарида «Жамият олдида қарздорлар» ва «Бизнинг сафимизда жой йўқ» рейд материаллари эълон қилинган эди. 17 июнь куни эса Ўзбекистон телевидениеси қўшма рейдининг натижалари тўғрисида кўрсатув берди.

Газета материаллари ва телевизион кўрсатув кўплаб ўқувчилар ва телетомошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Редакцияларга ва телевидениега КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини, мазкур масала бўйича СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини кенг ташвиқот қилиш бўйича ҳамкорликдаги рейдни давом эттириш тўғрисида илтимосномалар келиб турибди.

Бугун биз оқшомхонлар эътиборига рейд бригадаси тайёрлаган навбатдаги материални эълон қиламиз.

Бу сафар шаҳар ҳушёрхоналарига ташриф буюрган кишиларнинг қилмишлари Ҳамза район ички ишлар бўлимига қарашли ҳушёрхонада таҳлил қилинди. Тошкент шаҳар район Советлари ижроия комитетларининг раислари билан биргаликда ходими ҳушёрхонага тушган корхоналар ва ташкилотлар қошида ташкил этилган ичкиликбозлик ва алкоголизм билан курашувчи комиссияларнинг раҳбарлари, район маъмурий комиссияларининг аъзолари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ва раҳбарлари бу ерга таклиф қилинди.

Таъкидлаб ўтилганидек, шаҳарнинг кўпгина районларидаги халқ ва ўртоқлик судлари, маъмурий комиссияларнинг ишлари КПСС Марказий Комитетининг қарори ва СССР Олий Совети Президиумининг Фармони талаб этган даражада эмас. Ҳали ярамас иллатга қарши курашда омманинг фаоллиги кўринмаяпти, бир қатор меҳнат коллективларида жамоат тартибини бузувчилар қилмиши бугунги талаб даражасида баҳоланмаяпти, принципсизликка йўл қўйилмоқда, уларга қаттиқ маъмурий чора кўриш ўрнига бетараф муносабатда бўлмоқдалар.

● Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли Пардозлаш трестининг 29-қурилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Вячеслав Леонович Петросов**никига дўсти келди. Аниқроғи у Тошкент орқали ўтиб кетаётган эди. Вақти қисқа эди. Шунинг учун ҳам «қиттак-қиттак» тезлашиб кетди. Ичга тез кирган оғудан тез маст бўлдилар. Натижада транзит дўсти вагон полкасида мудраб кетган бўлса, Петросов ҳушёрхона каравотида кўзини очди.

Петросов 20 йилдан буён таъминотчи бўлиб ишлайди, партия билетига эга. У ҳаётда ҳам транзит билан қадам ташлайди. Атрофида нималар бўлаётганини сезмайди. Ҳозир Петросов ишлаётган бошқарма коллективи Сапёрлар кўчасидаги 16 қаватли янги турар жой биносини пардозлаш билан банд. Ишчилар бу квартираларда ҳамшаҳарларимиз бахтли яшашлари учун ҳаракат қилмоқдалар. Аммо Петросов ва унинг дўсти бу фикрни хаёлига ҳам келтирмайди. Чунки уларнинг хаёлида фақат арақ.

Трест партия комитети йиғилишида коммунистлар Петросовнинг учёт карточкасига ёзиш шарти билан виговор беришга, бошқарма раҳбарларига эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш масаласини кўриб чиқишни тавсия этишга қарор қилдилар.

● «Ўзбитмонтажналадка» хўжалик ҳисобидаги бошқарма катта инженери **В. М. Попов** ва шу ташкилотнинг линия инженери **Г. Г. Абдулин** кун бўйи бўлажак кир ювиш фабрикасида мосламаларни монтаж қилиш билан банд бўлдилар. Қурилиш майдони иссиқ эди. Дўстлар ишдан сўнг ўзларини пиво билан «совутиш»га аҳд қилдилар. Афтидан улар пивога аччиқроғидан қўшган бўлсалар керак, чунки ҳар иккиси ҳушёрхонага ўртача маст ҳолда келтирилди. Бу эса бир киши ичган 300 грамм арақ ёки вино ҳисобидан аниқланади.

Ҳушёрхонадаги таҳлил пайтида Попов ўзининг ўта қонуншунос, билимдон эканлигини намойиш этди. Ҳатто йиғилганларга «Нима, пиво ичиш мумкин эмасми? Ахир у қиммат турмайди-ку!» дея саволомуз қараш ҳам қилди.

Албатта, пиво ичиш мумкин. У унча қиммат ҳам турмайди. Аммо ана шу арзонига Попов ўзининг обрўсини сотмоқда. Агар ҳамшаҳарларимиз учун муҳим бўлган бу объектни ишга тушириш муддатини тезлаштиришни, таҳлил куни Абдуллин билан Поповнинг ишда ичишини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг бу қилмишини фақат ўртоқлик судида кўриш керак эди. Шундай бўлди ҳам. Попов касаба союз комитети составидан чиқарилди, унга қаттиқ виговор берилиб, қўшимча мукофотларнинг ҳаммасидан маҳрум қилинди. Г. Абдуллинга эса КПСС аъзолиги учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди, вазифаси пастлаштирилди.

● Бугунги таҳлилда мана икки улфат ҳам ўтирибди. Булар — Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига қарашли автобаза шофёрлари **Виктор Жохов** ва **Виктор Черновдир**. Чернов бу ташкилотда атиги бир ойдан бери ишласа, Жоховнинг ишлаётганига бир ярим йил бўлди. Черновнинг айтишича, ўша куни машина ремонт қилиб, шундай чарчабдики, агар бир шиша пиво бўлса чарчоғи шундоққина ёзилиб, ҳатто оёғида ҳам туролмай қолар эмиш. Ошнасининг мастлигини сезган Жохов уйига олиб бориб қўйишга аҳд қилди. Ҳамкасби билан тенг бўлиш учун ўзи ҳам отиб олди. Икки улфат гандираклаб кетаётганида ҳушёрхона машинасига дуч келдилар.

Аммо автобаза раҳбарларининг бу шофёрларнинг қилмишига берган баҳолари ва чиқарган қарори кишини ажаблантиради. Умумий очиқ мажлисда Черновнинг ойиси ва Жоховнинг рафиқаси иштирок этиб, жамоат тартиби қоидаларини бузган ҳар икки шофёрни жазолаш лозимлигини сўрашди. Автобазанинг қонунбузарлар профилактикаси бўйича совети маъмуриятга Жоховни квартал мукофотдан 10 процент маҳрум этиш, Черновни эса 20 сўм жарима билан жазолаш тўғрисида тавсия берди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида кўзда тутилган комплекс тадбирлар фақат юқоридаги қарор билан чегараланмайди.

● В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарлари **В. Титяпкин** ва **Р. Валиев** турли жойларда ичишди. Аммо ҳушёрхонадаги таҳлилда ёнма-ён ўтирдилар. Биринчиси туғилган кунда бўлиб, қайтаётганида ўз ҳолича қимирлолмай қолди. Ҳушёрхонага тушган Титяпкин уйига қочиб кетди. Эрталаб эса қайта равишда ишхонасидан олиб келинди. Ёш йигит йиғилганларга келиннинг хатини кўрсатди. Табиийки, куёвболанинг дом-дараксиз йўқолганидан у хавотир оларди. Бир ойдан сўнг ёш оила қурилиши керак. Хўш, бу киши бўлажак рафиқасига қандай «совға» тайёрлаяпти. Шу куни 174-цех коллективи йиғилишида В. Титяпкинни бирлашмадан ишдан бўшатишга қарор қилдилар.

Р. Валиев ҳам ўз жазосини олди. Июнь ойи ва йил якуни бўйича мукофотдан маҳрум этилди. Шунингдек, кўп йиллик хизмати учун мукофотдан ҳам айрилди.

● 2-уйсозлик комбинатига қарашли 60-қурилиш бошқармаси дурадгори **Ю. Пропастинин** тўғридан-тўғри қурилаётган объектдан ҳушёрхонага олиб кетишди. Тушликда бу «қаҳрамон» қурувчи пиво ичган эди. Соат 18.00 да «тайёр» бўлди. Қурилиш майдони бўйлаб гандираклаб, ишчиларга халақит қилди. Уни икки қўлтиғидан тутиб, ҳушёрхона машинасига олиб боришаётганда қурувчилар медицина хизмати ходимларининг бу ишини жуда ҳам маъқулладилар: — «Тўғри қиласизлар, уни бу ердан олиб кетинглар, бизга халақит қилиб, ҳаммани безор қиляпти...» дейишди. Ҳа, бу ичкиликбоз кимга ҳам керак. Хотини ташлаб кетган ичкиликбоз эрдан унинг коллективи ҳам осонгина юз ўгирмоқда.

Сал кейин бўлиб ўтган очиқ йиғилишда бригада совети бошқарма маъмурияти олдига Пропастинни коллективга келиш-келмаслиги тўғрисидаги масалани қўйди. Унгача у 13-маошдан, кўп йиллик хизмати учун 50 процент мукофотдан маҳрум этилди. Шундай қилиб, Пропастин тубанликка юмалаб кетяпти. Уни эса ҳеч ким қутқаргиси келмайди. Ваҳоланки, унга ёрдам қўлини чўзиб, уни ичкиликдан даволашга жўнатиш мумкин-ку!..

Хуллас, ўтказилган рейд шуни кўрсатдики, ичкиликбозлик ва алкоголизм билан самарали курашнинг барча резервлари ҳали амалда қўлланилмаяпти. Истардикки, бу муҳим масалани ҳал этишда, социал-хавфли иллатни даф этишда район Советлари ижроия комитетлари қошидаги маъмурий комиссияларнинг корхоналардаги ичкиликбозлик ва алкоголизм билан курашувчи комиссияларнинг фаолиятларини назорат этиб ва уларни йўналтирувчи Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг юстиция бўлими ўзининг ҳал қилувчи сўзини айтади.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент», «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияларининг, Ўзбекистон телевидениеси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг рейд бригадаси.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент», «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияларининг, Ўзбекистон телевидениеси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг қўшма рейди тўғрисидаги телевизион кўрсатувни бугун—27 июнь куни Ўзбекистон телевидениесининг иккинчи программаси орқали соат 19.25 да кўришингиз мумкин.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

●

«БЕПАРВОЛИК ЭВИ БИЛАН»

Газетанинг шу йил 2 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа билан мақола берилган эди. Унда обуначиларга хизмат кўрсатиш ёмон эканлиги танқид қилинган эди. Мақолага шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бошқармасидан қуйидаги жавоб олинди.

«Обуна почтальон Камолова айби билан газетхонларга ўз вақтида етказиб берилмаган. Почтальон ишдан бўшатилди. Обуначи Ориповдан узр сўралди. Ҳозир газетхоннинг алоқа бўлимига ҳеч қандан эътирози йўқ».

«Нега сарсон қилишади» сарлавҳали мақола юзасидан шуни маълум қиламизки, 115-алоқа бўлимида хизматчилар билан йиғилиш ўтказилди, алоқа бўлимидагиларнинг аҳолига нотўғри хизмат кўрсатганликлари айтилди. Телефонда гаплашилган тўлов қоғозлари бу ерда ҳар доим қабул қилинадиган бўлди».



«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли медицина-санитария қисми коллективи машинасозларнинг саломатлиги йўлида бир қатор ибратли ишларни олиб боришяпти. Тажрибали шифокорлар ҳар куни ишчи ва хизматчиларга малакали медицина ёрдами кўрсатишиб, уларнинг қисқа вақт ичида саломатликларини тиклашлари учун бутун куч ва билимларини аямаётир.

СУРАТДА: медицина-санитария қисмининг бир группа шифокорлари — врач-инфекционист Т. В. Зеленская, врач-терапевт Х. У. Ҳидоятова ва цех врачи З. И. Исроилованлар.

М. Нуриддинов фотоси.

• Донолар бисотидан

СОҒЛИҚ ҲАҚИДА

● Соғлиқ — олтиндан қиммат.
В. ШЕКСПИР.

● Саломатликнинг баҳоси ҳеч қачон пасаймайди, чунки саломатлик йўқ жойда на фароғат ва на ҳаловат бор.
Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ.

● Умримиз жаҳолатимиз туфайли қисқаради.
Г. СПЕНСЕР.

● Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши соғлиғимизга боғлиқ.
А. ШОПЕНГАУЭР.

● Соғлиқ — донолар учун давлат.
П. БЕРАНЖЕ.

● Бахт — саломатликнинг мевасидир.
СМАЙЛИС.

● Баъзилар саломат бўлай деб ўзларини аяб, пайпаслаб юрадилар. Аммо улар доим бемордирлар. Баъзилар эса беморликдан чўчимаганликлари учун ҳам саломатдирлар.
В. О. КЛЮЧЕВСКИЙ.

● Ирода — соғлиқ манбаи.
Л. М. СУХАРЕВСКИЙ.

• Энг яхши муолажа

ҲАРАКАТ — УМР ЎЛЧОВИ

Ҳаракат активлигининг етишмаслигини гипокинезия дейилади. Гипокинезия фақат ҳаракат сонининг камайиши билангина эмас, балки мускул ҳаракатларининг бир хиллиги ва уларнинг сифати ёмонлашиши билан характерланади.

Ҳозирги вақтда илмий-техник ривожланиш кишининг меҳнат даги ва яшаш шароитидаги мускул фаолиятини машиналар иши билан алмашинишига олиб келмоқда. Ҳаракатнинг етишмаслиги одам экологияси факторларидан бирига айланмоқда ва кенг биологик ҳамда социал аҳамият касб этмоқда. Илмий-техник ривожланиш турмушни енгиллаштиради, лекин мускул ишларидан организмни маҳрум қилиб, ёмон таъсир кўрсатади.

Кундалик минимал жисмоний ишнинг пасайиши билан чидамлилик, бўғинлардаги ҳаракат, шунингдек, мускулларнинг чўзилишининг камайиши, ҳаракат тезлиги, эпчиллик каби сифатларнинг ёмонлашиши исботланган. Академик В. В. Парин сўзлари бўйича камҳаракатлик (организмнинг жисмоний чиниққанлиги йўқолишига шароит яратади». Чиниққанликнинг йўқолиш ҳодисаси фақат юракка эмас, организмнинг ҳамма системаларига тарқалади. Жисмоний кам актив одамнинг юраги спорт билан шуғулланадиган одам юрагига нисбатан ёки актив ҳаёт кечирган киши юрагига қараганда 20—30 процент кам дам олади. Пульс сони 20 процент ортиқ бўлади. Бошқача айтганда, бундай кишилар юраги ҳар суткада 14000 марта ортиқча қисқаради ва шунга мувофиқ тезроқ ишдан чиқади.

Меҳнатда, ҳаётда ва ҳаракатланишда мускул кучланишларининг етишмаслигини мақсус соғломлаштириш чоралари билан тўғрилаш мумкин. Бунинг асосий воситаси жисмоний машқлардир. Жисмоний тарбия янги яшаш шароитларидаги юзага келган мускул кучланишининг етишмовчиликларини тўлдириш ва одамнинг ҳамма аъзоларининг нормал ривожланиши ва ишлашига яхши таъсир кўрсатади.

Ҳозирги вақтда ҳаракат етишмовчилигини йўқотиш давлат аҳамиятига эга. Мускулнинг мунтазам машқ қилишига организмнинг бўлган биологик талаби ҳозирги замон яшаш шароитларида ҳар бир кишининг жинси ва ёшидан қатъий назар жисмоний тарбияни жорий этиш зарурлигига асос бўлади.

Ҳар бир киши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган эрталабки гимнастика билан ҳамма шуғулланади, деб бўлмайди. Вақтланки эрталабки гимнастиканинг организм учун аҳамияти чексиз.

Уйқу вақтида организмдаги физиологик жараёнларнинг бориши кескин секинлашади, мускуллар бўшашган, мия ва нерв системаси дам олишда, ўпка иши ва моддалар алмашинуви сезиларли сусайган бўлади. Тўқима ва органларда тўқима оралиқ суюқлигининг айланиши секинлашади, натижада баъзи вақтларда шиш шаклида суюқликнинг тўхташ ҳодисалари кўрилади. Уйқудан кейин организмнинг ҳаракат аппарати, тери ва бошқа системаларидан нерв системасига қанчалик кўп импульс борадиган бўлса, иш қобилияти шунчалик тез ортади.

Эрталабки гимнастика шалпайиш ва қотиб қолганликни йўқотади, қон айланишини тезлаштиради, нафасни чуқурлаштиради. Оқибатда модда алмашинуви тезлашади. Эрталабки гимнастика айниқса терига совуқ ва сув муолажалари таъсири билан қўшилганда самарали таъсир этади. Бу нерв системасининг анча тез тикланишига шароит яратади.

Ташқи муҳитнинг баъзи бир тафсилотлари ҳарорат, сув муолажалари, тоза ҳаво ва қуёш нури нерв системаси қўзғолувчанлигини ошириш билан бир қаторда организмни чиниқтиради.

Эрталабки гимнастика гавданинг ҳамма қисми мускул группаларини ишга жалб этиш билан лимфа айланишини кучайтиради ва бу билан тўқималардаги ишлатилган шишганликни тез йўқотади.

Энг кўп ва мунтазам ўтказиладиган мускул машқлари марказий нерв системасининг бошқарувчилик функциясини, ҳаракат аппарати, юрак-томир, нафас, ҳазм, айирув ва бошқа системаларнинг физиологик функцияларини яхшилайди.

Эрталабки жисмоний машқлар иш куни бошланғунча бажарилгани сабабли уларнинг шиддати жуда юқори бўлмаслиги керак, чунки иш қобилияти ёмонлашиши мумкин.

Баъзи кишилар эрталаб узоқ вақт югуриш билан шуғулланадилар. Агар гап спортчи устида бўлмаса, бунда асосланмаган, катта ҳажмли жисмоний ишни физиологик жиҳатдан фойдали, деб бўлмайди.

Жуда юқори чуқланишдан кейин тикланиш даври юзага келади: бош мия пўстлоғи ҳужайраларининг қўзғалувчанлиги қонуний равишда тормозланиш жараёни билан алмашинади. Киши бўшашади, баъзида уни қайтадан уйқу босади. Бироқ машқ қилиш билан одамнинг функцион имкониятн анча такомиллашади ва яхши чиниққан шахсларда югуриш, велосипедда юриш каби шиддатли машқлар иш қобилиятини пасайтирмай, аксинча кун бўйи иш қобилиятининг юқори бўлишини таъминлайди.

Жисмоний тарбия билан янги шуғулланаётган кишиларга радио орқали бериладиган эрталабки гимнастика билан ёки физкультуре бўйича мутахассислар ва врачлар билан маслаҳатлашиб ўзининг ёшига ҳамда саломатлигига мос бўлган энг фойдали жисмоний машқлар комплекси билан шуғулланишни тавсия этамиз.

Шундай қилиб гимнастика билан мунтазам шуғулланиш — ўзини яхши ҳис қилиш, чарчаш ва гавдани ёг босишининг олдини олиш ҳамда гипокинезияга қарши курашнинг самарали усулидир.

И. АЗИМОВ,
медицина фанлари доктори, профессор.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ҳолис хизмат бюроси

ДИЛ СЎЗЛАРИ

● Мен ўтган йилн куз ойида қаттиқ бетоб бўлиб қолдим. Абу Али ибн Сино номли 1-шаҳар касалхонасининг урологня бўлимида менн профессор О. Мухторов операцня қилиб даволади, дардим анча енгиллашди. Лекин Улуғ Ватан урушида яраланганимда оёғимга теккан ўқ ўрни шишиб, ёмон азоб бера бошлади. Менга Ташсовет номидаги физиотерапня касалхонасида даволанишга йўлланма бернщди. Бу ерда ажойиб уролог врач В. И. Фридкин яхши муолажалар қилиб дардимга шифо бахш этди. Бу ерда ишлаётган В. И. Фридкин каби сидқидил, моҳир ва тажрибали врачлардан, меҳрибон ҳамшираладан ҳамма беморлар бехад хурсанд бўлишмоқда.

Халоскор шифокорларнинг қўли ҳеч қачон дард кўрмасин!

А. ТЎЛАГАНОВ,
Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветерани.

● Кенжа қизим Дилдорахон энди бир ёшга тўлиб, мен ншга тушмоқчи бўлиб турганимда қаттиқ оғриб қолди, иситмаси кўтарилиб кетаверди. Қизим билан касалхонада бир ой ётдик, яна ншга тушай деб турганимда бола касал бўлаверди, очиқ гап ишхонамдагилардан ҳам ҳадеб бюллетень қилавериб ҳижолат тортардим.

Қизимда бронхит касали борлнгини аниқлашиб, Ҳамза районидаги 517-санаторнй типидаги болалар боғчасига ётқазишни маслаҳат бернщди. Бу ерда педиатр-врач Маҳфуза опа Эшонова қизимнинг соғлигини текширнб, менга жуда яхшн муомала қилди:

— Хавотнр олманг, қизингиз тузалиб, жуда соғлом бўлиб кетади... Бундан ҳам нимжон болалар бизда яхшн шифо топиб кетади,— деди самимнйлик билан.

Қўли енгил бу шифокор қизимга гўё қайта ҳаёт бағишлади, яхшн муолажадан кейин бир ярим кило семирди, ҳозирда унга витаминлардан даво қилишяпти. Бу боғчадан сиҳат-саломатлнгн яхшиланиб чиқаётган ўнлаб болаларнинг ота-оналарн ажойиб педиатр врач Маҳфуза опа Эшоновадан, Дилором, Фотима ва Замирахон каби тарбнячилардан бехад хурсанд бўлишмоқда.

Оналарга ҳамдард-ҳамкор шундай врачлар доим бор бўлсин!

М. МУСАМУҲАМЕДОВА,
Узбекистон радиосининг ходими.

● Бундан бир ой муқаддам менн оғир аҳволда онкологня ва радиологня илмий-тадқиқот институтн шифохонасига келтирншди. Ростини айтсам, дардим оғирлигидан ҳаёт билан видолашсам керак, деб ўйлагандим. Йўқ, мен ожизлардан эмасман. Жуда кўп ўлимга дуч келиб, унга чап берганман. Улуғ Ватан урушн жангларида ярадор ҳолда фашистлар қўлига тушиб, уларнинг чексиз қийноқларига мардона чидаш берганман, ярадор бўлсам ҳам врачларимиз менн соғайтириб юборишган.

Мана, етмишга яқинлашганимда оғир дардга йўлиқдим. Лекин, яхшн одамлар, яхшн сўз, яхшн муолажалар дардимга дармон, касалимга малҳам бўлди.

Азиз шифокорим Сайфиддин Маҳмудов! Сизнинг жонкуярлигингиз ва фидокорлигингизни ҳеч қачон унутмайман! Меҳрибон ҳамшира ва санитар сингилларим Аноргул Жуматова, Цой Мнра ва Мушарраф Эргашевалар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай атрофимда парвона бўлиб менн оёққа турғизишганини ҳам унутмайман.

Қ. ШАРИПОВ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчнси, истеъфодаги полковник.

● Ўтган йилнинг охирларида чап кўзим хиралашиб, кўрмай қолди. Врачлар маслаҳати билан республика кўз касалликлари шифохонасининг 5-бўлимига ётдим. Даволовчи-врач Собир Умаров менга ихлос билан, сидқидиллик билан қарадн, унинг шнринсуханлигн, одамийлигн, ўз касбнн севнши ҳам менн мафтун этди, унинг моҳир қўли билан шифо топдим, у кўзимга нур бағишладн.

Мана шу катта шифоханинг қалбн пок, фидокор шифокорлари-ю, ҳамшираларининг ишларида омад тилайман.

Ж. МАНСУРОВ,
2512-автобаза ишчиси.

«КЛУБ МУАССАСАЛАРИ ВА СПОРТ ИНШООТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ БЎШ ВАҚТ ХУСУСИДАГИ ҚИЗИҚИШЛАРИ ВА ЭҲТИЁЖЛАРИ МУНТАЗАМ ЎРГАНИБ БОРИЛСИН ВА ҲИСОБГА ОЛИНСИН, УЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛ ТОПИШИГА ЕРДАМ БЕРАДИГАН МАДАНИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИЛСИН».

(КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш» тадбирлари тўғрисидаги қарорндан).

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

„ТО" спорт ҳафтаси

УШБУ САҲИФАДА:

● ИШЧИЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА ● ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ ● КУНЛАР ИСИГАНДА... ● МЕҲНАТДАН КЕЛГАН СОҒЛИҚ — ТУГАНМАС БОЙЛИК ● ЕЗ ҚУЁШИ, СУВИ, ҲАВОСИ — ҲАММАСИ ТАНГА ДАВО.

● ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ УМРНИ УЗАЙТИРАДИ ● «ДЎСТЛИК» МАТЧИ ДАВОМ ЭТМОҚДА ● ТОШКЕНТЛИК СПОРТЧИЛАР ЮТУҒИ ● СУВ ЙЎЛКАЛАРИДАГИ ҚУВОНЧЛИ НАТИЖАЛАР. ● ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВЛАР.

ЕЗ ЮМУШЛАРИ

ЧИВИННИ ҚАНДАЙ ЙЎҚОТИШ КЕРАК?

Кунлар исиши билан чивин кўпайиб кетди. Уни қандай йўқотиш мумкин!

М. АБДУҚОДИРОВА, ўқитувчи.

Сўнгги йилларда шаҳарликлар чивинларнинг безовта қилишидан тобора кўп шикоят қиладиган бўлиб қолдилар. Баъзи уйларда чивин ҳатто қишда ҳам яшар экан. Бунинг асосий сабаби шуки, бино ертўлаларида кўпинча сув (ер усти сувн, сув таъминоти системаси авариясн туфайли снзиб чиққан сув, иситиш асбоблари, канализациядан чиққан сув) тўпланади). Иситиладиган бундай омборларда чивинлар йил бўйи урчиб, кўпайиши мумкин.


Агар турар жойларда чивин пайдо бўлса, ЖЭКка ёки бошқа турар жой-эксплуатация ташкилотига мурожаат қилиш лозим. Бу ердаги ходимлар район санэпидстанциясига заявка берадилар. Санэпидстанция мутахассислари эса территорияни текшириб чиқадилар, чивинлар кўпаядиган жойни аниқлайдилар ва ЖЭК ходимларига чивинларни йўқотиш чораларини тавсия этадилар.

Бино ертўласида чивин кўпаядиган бўлса, турар жой-эксплуатация хизмати ходимлари ертўлаларни кераклн санитария ҳолатига келтириб қўйишлари зарур. Сув сизиб оқмайдиган, коммуникациялар нфлосланмайдиган бўлиши, водопровод тармоғида аварнялар бўлмаслиги керак. Ертўладаги сув чиқариб ташланиши, бино нфлос нарсалардан тозаланиши лозим. Зарур бўлганда ЖЭК ходимлари район профилактик дезинфекция бўлимига заявка беришлари мумкин. Бу ташкилот ходимлари ертўлаларни инсектицидлар билан обработка қиладилар.

Чивинлар уйларга, бнного яқин жойда ҳосил бўлган сув ҳавзаларидан учиб кирганда, бу жойларни кўмиб ташлаш ва территорияни ободонлаштирнш керак. Агар чивин доимий сув ҳавзалари (ховузда, кўлда, фильтрловчи экин майдонларида) кўпаядиган бўлса, уларни йўқотишнинг комплекс тадбирларини санэпидстанция ходимлари белгилайдилар. Чивинлар уйга кирмаслиги учун дераза ойналарига дока тортиб қўйинг. Балкон эшикларининг очиқ жойларига енгил штор осиб қўйинг. Вентиляция йўлларига эса сетка ёки дока тортинг.

Хоналарда чивинларни йўқотиш учун учиб юрадиган ҳашаротларни йўқотишга мўлжалланган чиқариладиган аэрозоллар — «Неофос», «Дихлофос»дан фойдаланиш мумкин, улар хўжалик магазинларида сотилади. Ёрлигида келтирилган инструкцияга биноан, аэрозолни чивинлар кўп йиғиладиган жойларга — шипга, деворнинг юқорирогига, айниқса қоронғироқ бурчагига бир неча секунд мобайнида сепинг. Шундан кейин хонадан чиқинг-да, эшик ва дераза ларни ёпинг. Орадан 10 минут ўтгандан кейин эса хонани яхшилаб шамоллатинг. Хонага ишлов берилаётганда болалар, уй ҳайвонлари, балиқ боқилаётган акварнумлар бўлмаслиги керак. Турар жой бинолари деворидаги чивинларни пилесос ёрдамида йиғиб, йўқотиш мумкин.

М. ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.



«Буревестник» кўнгилли спорт жамиятидаги қиличбозлик секциясида машғулотлар график асосида ўтказилади. Бу спортчиларнинг маҳоратини ошириш, йирик мусобақаларда яхшн натижаларни қўлга киритишларига шароит яратмоқда.

СУРАТДА: навбатдаги машғулот пайтида.

Х. Мирзакаримов фотоси.

• Сув спорти

МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида сузиш бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида Тошкентдаги «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг вакили, хизмат кўрсатган спорт мастери, «Дўстлик—84» мусобақаларининг ғолиби, 200 метр масофага чалқанчасига сузиш бўйича жаҳон рекордчиси Сергей Заболотнов яна маҳорат кўрсатди. Ўтган йилги чемпионатда Сергей ўз мавқеини бериб қўйган эди. Тинмай машқ қилиш, алоҳида белгиланган режимга амал қилиш туфайли спорт формасини яна тиклашга муваффақ бўлди. Бу беллашувлар пайтида яққол кўзга ташланди.

200 метр масофага чалқанчасига сузиш бўйича ўтказилган бахсда маррага биринчи бўлиб келди ва 2 минут 1,5 секунд натижа билан мамлакат чемпнони унвонкни қўлга киритди. Сергей Заболотнов 400 метр масофага комплекс усулда сузишда кумуш медаль билан тақдирланди.

400 метр масофага комплекс сузиш бўйича қизлар ўртасида ўтказилган бахсда тошкентлик 17 ёшли спортчи Марина Панина яхшн қатнашди. У маррага ленинградлик хизмат кўрсатган спорт мастери Елена Дендеберовадан кейин иккинчи бўлиб келди. Яна бир ҳамшаҳримиз Елена Назилова эса тўртинчи ўринни эгаллади.

• Баскетбол

ЎН ИМКОНИЯТДАН ТЎҚҚИЗ ОЧКО

Бир ҳафта давомида «Старт» спорт комплексининг янги баскетбол залида қизиқарли учрашувлар бўлди. Баскетбол бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида қатнашаётган аёллар командалари биринчи тур мусобақаларини шу ерда ўтказишди. Группа ғолиблиги учун Симферополь шаҳрининг «Спартак», Днепропетровск шаҳрининг «Сталь», Душанба шаҳрининг «Спартак», Львов шаҳрининг уйсозлик комбинати, Фрунзе шаҳрининг «Строитель» командалари кураш олиб бордилар.

Бу баҳсда иштирок этган Тошкент Давлат физкультура институтининг қизлари дуруст натижага эришдилар. Улар тўрт учрашувни ғалаба билан якунлаб, бир учрашувни бой беришди. Группа ғолиблиги учун баҳс ҳамшаҳарларимиз ва Симферополь шаҳрининг «Спартак» командаси қизлари ўртасида бўлди. Бу икки коллектив ҳам барча учрашувларни ғалаба билан якунлашган эди. Ҳал қилувчи ўйинда спартакчи қизлар ўзига хос чаққонлик, ирода ва йиғинчоқлик кўрсатишди. Улар учрашувни ўз фойдаларига ҳал қилиб, юз процентли натижага эришдилар. Ўн имкониятдан тўққиз очко тўплаган тошкентлик қизлар иккинчи ўринни эгалладилар.

Биринчи лига коллективлари иккинчи тур учрашувларини Львов шаҳрида ўтказишади. Бу беллашувлар иккинчи июль куни бошланади.



Тошкент — Олмаота шахмат матчи


● Сиртқи «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида тошкентликлар олдинда боришмоқда.

● Иккинчи тахтада вазият кескинлашди. Ҳар бир юриш учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин.

● 35-юриш қандай бўлиши керак!

19 июнда «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газетхонларининг сиртқи шахмат матчида ўттиз тўртинчи юриш эълон қилинган эди. Бу сафар мухлисларнинг таклиф ва фикрлари икки хил бўлди. Айримлар d1 катагида турган руҳни c1 катагига юриш керак деган, кўпчилик эса d5 катагидаги филни е6 катагига юриш кераклигини айтишди. Жюри кейинги юришни тўғри деб топди ва у олмаотали шахмат мухлисларига маълум қилинди. Улар бу юришга Лh8—d8 билан жавоб беришди.

Ҳурматли шахмат мухлислари! Узингиз оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги —35-юриш қандай бўлиши керак! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.



Энг мақбул юришларни таклиф этган газетхонларнинг исм ва фамилиялари газетада эълон қилинади.

Уз таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга йўлланг: 700047, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик» матчи)га. Таклифларингизни 32-55-32, 33-08-74 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

ФАН ВА ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ, КАШФИЁТЛАРИ

Чиқитсиз цехлар

Алексеевскдаги асбоцемент буюмлари комбинати чиқитсиз ишлай бошлади. Мордва университетининг қурилиш конструкциялари кафедраси олимлари чиқитлардан фойдаланиш технологиясини таклиф этишди. Эндиликда қувур ва шифер плиталарининг бўлаклари, асбестцемент қириндилари, синиқлари қоришма олдидан — опалубка қўйиш, ундан арзон ва мустаҳкам девор панеллари, бошқа қурилиш конструкциялари тайёрлаш учун ишлатилади. Мордвадаги «Чамзинскнй» совхозида бу чиқитлардан қўшимча иморатлари бўлган қўрғон типидаги иккита уй-жой қурилди.

Иккиламчи хом ашё қайта ишлаш учун комбинат территориясидангина эмас, собиқ оҳак карьерлари бўлган жойлардан ҳам келтирилади. Чиқитлардан фойдаланиш ҳисобига ҳар йили қишлоқларда юзта уй-жой ва жамоат бинолари қурнш мўлжалланмоқда.

БАҲСЛАШУВ

Габрово ҳазиллари

Тўрт ўртоқ ўртасидаги тортишув қизиб кетди. Кейин у шундай тугади: учтаси габроволик, тўртинчи киши билан бахс ўйинамоқчи бўлишди.

— Баҳслашишга розиман,— деди габроволик.—Борди-ю, мен ютиб чиқсам сизлар меҳмон қиласизлар, мабодо бахт сизларга кулиб боққудай бўлса, сурункасига учовларинг уч кун меҳмон қиласизлар.

ТАЖРИБА ТЎЛҚИНИ

Соатсозларнинг омилкорлиги қадимдан маълум: витриналарнинг кўзга кўринарли жойларига «Аниқ вақтнни кўрсатадиган соатларни қўйиб қўйишади, бу ердан ўтган-кетганлар ўз соатларининг вақтдан олдинга ўтиб кетганлиги ёки кейинда қолганлигини ўша соатга қараб тўғрилаб олишарди, кейин соатнм бузилган бўлиши керак, деган хулосага келиб, устага мурожаат қилишга мажбур бўлишардн.

Айёр габроволик сартарош ҳам шундай енгил усулдан фойдаланмоқчи бўлди. Сартарошхонага киравершга тиниққина жуда катта ойна ўрнатди. Унинг ёнидан ўтаётган ёш-яланглар хоҳлармасс ойна ёнида тўхташар, соч-соқоли ўсганўсмаганлигига қараб қўйишарди. Соч-соқоллари ўсганлигини кўриб, дарров сартарошхонага кирнб сиилиққина бўлиб олишардн...

Уддабурон габроволик шу усул билан жуда бойиб кетди ва анчагина уйлар қурнб олди. Бу иморатларнинг айримларн ҳозиргача сақланиб қолган. Уша ойна эса ҳамон бутунлигича турибди. Лекин сартарошхона эшигида тез-тез: «Ҳисобкитоб ўтказилаётганн сабабли ёпиқ» деган эълон ёпиштирнладнган бўлиб қолди.

ЯНГЛИШИБСИЗ

Кунлардан бнр кун габроволик бнр кишн колбасадан заҳарланиб қолди. Врач унга дорн олиш учун рецепт ёзиб берди. У бу қоғоз билан тўғри колбаса сотган одамнинг олдига келди. Рецептнн кўрган колбасачи:

— Янглишибсиз, бу ер аптека эмас,— деди.

— Сира ҳам янглишганим йўқ. Ахнр колбасани сиздан олганман, у менн заҳарлаганн учун менга дорнни сиз олиб бершингиз керак-да, — дея унга жавоб қайтарди габроволик.

БИР КЕСАК БИЛАН...

Бнр габроволикнинг телевизорн бузилиб қолдн: тасвирн яхшн бўлганн билан овозн йўқ эдн.

— Хотин, Генчодан телевизорингнинг овозини баланд қилиб қўйгин, деб қпчмнос қилгнн: уникининг овозини эшитиб, ўзимизнинг телевизорнмизни кўраверамиз.

Т. УНАБОЕВ
таржимаси.

• Ҳар тўғрида

САДОҚАТ ПОСБОНЛАРИ

Бнр инглиз фирмасн уйга кеч келадиган эркакларга мўлжалланган қулфни шовқинсиз очадиган, пластикдан ясалган калит ишлаб чиқара бошлади. Бироқ, нхтиро тез орада зарбага учрадн. Бошқа фирма эгдлик билан соат механизмн ўрнатилган транзисторли қулф ишлаб чиқара бошлади.

Соат механизмн қулфга қайси вақтда охирги марта калит солинганини қайд этади.

БИЛЬЯРД ЗЎЛДИРИ ЎРНИГА

1863 йилда Нью-Йорк газеталарида бильярд зўлдирн ишлаб чиқарнш учун сарфланадиган фил суяги ўрнини боса оладиган материални таклиф қилган кишига 10 минг доллар мукофот берилиши ҳақидаги эълон босилдн.

Матбаачи Хятт ўз укаси билан етти йил давомида бу соҳада муваффақиятсиз иш олиб борди. Бироқ, умидсизликка тушмаган ака-укалар нихоят шундай материални кашф қилишга муваффақ бўлишдн. Бу материал юқорн ҳароратда ишлов берилган икки қисм нитроцеллюлоза ва бнр қисм камфорадан иборат эдн.

Шундай қилиб, 1870 йилда, ҳозирги кунда целлулоид деб аталган илк пластик масса рўёбга келди.

М. ҲАМРОЕВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет оқшоми

27 ИЮНЬ, 1985 й.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ВА

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИДА

«ГЕНЕРАЛ НЕСТЕРОВГА ТОПШИРИЛСИН»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРДИ



Сценарий муаллифи — А. БОНДАРЕВ.

Режиссёр — Б. ГАЛКИН.

Ролларда: В. СЕДОВ, Б. ТОКАРЕВ, В. ТОКАРЕВ **ва бошқалар.**

Фильм ҳозирги давр ҳарбий қурувчиларининг шижоаткорона меҳнати ҳақида ҳикоя қилади. Картина бош қаҳрамонларидан бири — генерал Нестеров — ихтидорли, муросасиз, юксак ахлоқий позициядаги раҳбардир. У ўзининг шахсий жасорати, одамларни ўз кучига ишонишга мажбур эта олишлиги билан мураккаб иқлимий шароитларда ғалаба қозонишига кўмаклашади, муҳим стратегик объект қурилиши қисқа муддатларда поёнига етказилади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ

10-ЎРТА-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985-86 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭРКАКЛАР УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, ХОТИН-ҚИЗЛАР УСТИ КИЙИМЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЕНГИЛ КУЙЛАКЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, МУРАККАБ РЎЗҒОР ТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА (совутиш қурилмалари) СЛЕСАРЬ, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ФОТОГРАФ, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ САРТАРОШ, ОШПАЗ, ҚАНДОЛАТЧИ.

Юқоридаги ихтисослар бўйича ўқиш муддати — 3 йил. Бу ихтисослар бўйича 8-синф ҳажмида маълумоти бор бўлганлар қабул қилинадилар.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЕНГИЛ КУЙЛАКЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ САРТАРОШ (ўқиш муддати 1,5 йил); **КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ФОТОГРАФ, ОШПАЗ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ, ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКАСИ** (ўқиш муддати 1 йил).

Юқоридаги ихтисослар бўйича ўқишга ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

Билим юртига 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар ҳар куни 3 маҳал бепул овқат, иш кийими ва дам олиш кунлари учун мўлжалланган кийимлар билан таъминланадилар. Улар. га ўқишни тугатганларидан сўнг ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган ихтисослари бўйича 5-разряд берилганлиги ҳақида диплом берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА МАЪЛУМОТ БИЛАН КИРГАНЛАР СТИПЕНДИЯ ВА КИЙИМ-БОШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб келганларга биринчи разрядли ишчининг меҳнат ҳақи ҳажмида стипендия тўланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, техника ижоди ва спорт секциялари ишлайди.

Кирувчилар билим юрти директори номига ёзилган ариза-га қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, отаси ёки онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 1/2-«Қорақамиш» массиви, 20-уй (42, 93-автобуслар; 10, 27-трамвайлар; 19, 56-маршрут таксиларининг «Мактаб» бекати, 7, 10-троллейбусларнинг «1/2-Қорақамиш массиви» бекати).

УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

БИРОРТА ҲАМ ДОҒ ҚОЛМАЙДИ

«БИО-С» ПОРОШОГИ БИЛАН ДАСТУРХОНЛАР ВА СОЧИҚЛАР ЮВИЛГАНИДА, УЛАРДА БИРОРТА ҲАМ ДОҒ ҚОЛМАЙДИ.

Бунинг учун сув ҳарорати 60 даража иссиқдан ошмаслигини билиб олиш лозим.

«ЛОТОС» ПОРОШОГИ ШОЙИ, ЖУН, СИНТЕТИКАДАН ТАЙЁРЛАНГАН БУЮМЛАРНИ ОРАСТА ЮВАДИ. АГАРДА СИЗ ҚЎЛДА КИР ЮВИШГА ОДАТЛАНИБ ҚОЛГАН БЎЛСАНГИЗ БУ ПОРОШОК СИЗГА ЖУДА ҲАМ ҚЎЛ КЕЛАДИ.

Кир ювиш машинасида кир ювилаётганда эса кўпроқ «ЛОТОС-АВТОМАТ» порошогига мурожаат қилиш лозим.

Бу порошокнинг икки ажойиб хусусияти бор.

Бу порошок кўп кўпик ҳосил қилмайди, демак машинанинг ишлашини енгиллаштиради, пахта, каноп, синтетика, шойи ва жундан тайёрланган буюмларни яхши ювади.



ВНИИХИМПРОЕКТ.



ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

УСИЛИТЕЛСИЗ ИШЛАЙДИ

БЕРДСК РАДИО ЗАВОДИНИНГ «ВЕГА-110—СТЕРЕО» ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЭЛЕКТРОПРОИГРИВАТЕЛИ МОДЕЛИ СТЕРЕОТЕЛЕФОНЛАРИ УЧУН УСИЛИТЕЛСИЗ ИШЛАЙДИ.

Польша Халқ Республикасида тайёрланган такомиллаштирилган электропроигривателли қурилма трансформаторининг экранлари юқори самарали бўлиб, овоз сигналлари звукоснимателнинг головкасидан равон чиқади ва аниқлик ҳамда табиийликни таъминлайди, пластинкани узоқ муддат яхши сақлайди.

Бу ускунанинг конструкцияси ва безаклари жаҳон замонавий талаблари даражасида ишланган бўлиб, унинг ранги кумушсимон, нафис безаклари бор, бежирим.

Баҳоси — 155 сўм.

БЕРДСК РАДИО ЗАВОДИ.

Диққат: АНКЕТА!

СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ БЕБАҲОДИР

СИЗ ҲАР КУНИ САВДО ХОДИМЛАРИНИНГ ХИЗМАТИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИБ ТУРАСИЗ. ОДАТДА БИЗГА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАГАЗИН ВА УНИНГ ХОДИМИ МУОМАЛАСИДАН МАМНУН БЎЛИБ ҚАЙТАМИЗМИ?

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

20 ИЮЛГА ҚАДАР

АҲОЛИГА МАДАНИЯТЛИ САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ИККИ ОЙЛИГИНИ ЎТКАЗМОҚДА **ВА ГАЗЕТХОНЛАРДАН БУ ОЙЛИКДА ФАОЛ ҚАТНАШИБ, АНКЕТАНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ ҚАЙТАРИШЛАРИНИ СЎРАЙДИ.**

1. Сиз мунтазам қатнаб турадиган магазиннинг иш тартиби сизни қаноатлантирадими? Магазиннинг ишини яхшилаш юзасидан фикр ва мулоҳазаларингиз _____

_____

(Магазиннинг номерини кўрсатинг)

2. Сиз магазинда қандай қўшимча хизмат турлари жорий этилишини тавсия қилган бўлур эдингиз? _____

3. Магазин ходимларига нисбатан сизнинг қандай фикр ва мулоҳазаларингиз, истакларингиз бор... _____

_____

4. Магазин ичидаги ахборот системаси сизга манзур бўладими (эълонлар, кўрсаткичлар, баҳолар ёзилган қоғозлар)? _____

_____

5. Магазин ва унинг атрофидаги санитария ҳолати ҳақида сизнинг фикрларингиз _____

6. Шикоятлар дафтари биринчи марта талаб қилинганда бериладими, йўқми? _____

7. Зиддиятли масалаларни бевосита магазин мудири билан ҳал этишнинг имконияти борми? _____

8. Эркакларнинг савдо хизматида иштирокини сиз қандай баҳолаган бўлур эдингиз? _____

Тўлдирилган анкетани қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, 47-алоқа бўлими, Пролетар кўчаси, 6-уй. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо бош бошқармаси (ташкилий бўлим).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 32-22-70).



БОЛАЛАРГА МОДАЛИ, ЕНГИЛ ВА ҚУЛАЙ ПОЙАФЗАЛЛАР



ЯНГИЙУЛ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ

БОЛАЛАРГА ЕЗ ФАСЛИГА АТАБ ХУДДИ АНА ШУНДАЙ ПОЙАФЗАЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДА СОТИЛАЁТГАН КРОССОВКАЛАР, ТУФЛИЛАР, САНДАЛЕТЛАР ЎЗИНИНГ ЧИРОЙЛИЛИГИ, БАШАНГЛИГИ БИЛАН ЭГАЛАРИГА МАНЗУР БЎЛАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИ (телефон 41-54-21).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

КИНО

27 ИЮНДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — **Санъат саройи** (катта зал, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (16, 18.30, 21.00; телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92), **Дружба** (17, 18, 20, 20.30; телефон 66-15-75), **Восток** (16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«КЕЛИНЛАР ҚУЗҒОЛОНИ», «ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида) — **Чайка** (16, 18.40, 21.10; телефон 77-06-20), **Ватан** (16, 18.30, 21.00).

«СЕНИМИ, ШОШМАЙ ТУР!» (мультфильмлар тўплами, 14-серия)— **Чайка** (11.00).

«БЛЕФ»—**Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

«ЭПСОНЛИК ЖЕНТЕЛЬМЕН» — **Хива** (22.00), **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-02), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (18.30, 21.00; телефон 53-65-87).

«ВИЙ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ЎЗГА САЙЁРАЛИК АЁЛ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«СИНЬОР РОБИНЗОН» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

СССР биринчилиги учун

28 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА

«ПАХТАКОР» (Тошкент)—«ЛОКОМОТИВ» (Москва) **командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИ КАССАЛАРИДА ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТЕЛЕФОНЛАР СПРАВОЧНИГИНИ НОМЕРГА ТАЙЁРЛАШ НИҲОЯСИГА ЕТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН, СПРАВОЧНИКДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ТЎҒРИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН БИР ҲАФТА ИЧИДА СИЗНИНГ ТАШКИЛОТИНГИЗДАГИ ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИ (кўпи билан беш номерни) МАЪЛУМ ҚИЛИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

Ташкилотнинг тўлиқ номи, адреси ва почта индекси сиз кўрсатган телефон номерлари билан бирга ушбу справочникка киритилади.

Маълумотлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700015, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй (Тошкент шаҳар телефон тармоғи Бош бошқармаси. Справочникни нашр қилиш бўлими). Телефонлар: 33-80-59, 41-25-23.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

институтга кирувчилар учун

1 ВА 12 ИЮЛЬ СОАТ 11.00 ДА

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Абитуриентлар институт олимлари, ўқитувчилари билан учрашадилар. Ўқув кабинетлари, ўқиш жараёнида фойдаланиладиган воситалари, кутубхона ва ўқув заллари билан танишадилар.

Институт адреси: Тошкент шаҳри, Сапёрная кўчаси, 11-уй.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги К. Е. Ворошилов номли 46-ўрта мактаб томонидан **Исамуҳамедова Зулфия Юлдашевна** номига берилган 1687805 номерли йўқолган

8-СИНФНИ БИТИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАҲОДАТНОМА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТВ

ПАЙШАНБА

27 ИЮНЬ

● МТ I

18.20 Ўзбекистон бадиий коллективларининг концерти. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Оқкуш патни». Мультфильм премьераси.
19.40 «Жадаллаша бориб». «Жойида ҳал этилмоқда» туркумидан. Вологда области партия ва совет ташкилотларининг саноат ва қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тажрибаси ҳақида.
20.25 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 Балет артистларининг Москвадаги V Халқаро конкурси якунловчи концерти. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —«Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Музикали киоск».
19.20 «Узоқ Шарқ». Киножурнал.
19.30 Ю. А. Жуков суҳбати.
20.00 «Владимир Коккинаки». Телефильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Ширинхўр айиқча». Мультфильм.
20.45 «Архангельское» музей-қўриқхонаси.
21.30 «Время».
22.05 «Фақат икковимиз». Бадиий фильм.
23.20 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев)—«Динамо» (Тбилиси); «Динамо» (Минск) — «Спартак».

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Самодаги саёҳат». Кўғирчоқ фильм.
18.30 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида».
18.45 «Ҳаёт каби тирик».
19.10 «Фан-техника тараққиёти-85». «Ширин пахта». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ғалла—ризқ-рўзимиз».
20.00 «Ёзувчи ва замон».
20.30 «Ахборот».
20.50 Тошкент шаҳар халқ филармонияси «Яшлик» татар бошқирд ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Броненосец Потёмкин». Бадиий фильм.
23.25 Янгиликлар.

27 ИЮНЬ, 1985 й.

● ЎзТВ II

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Тийт Хярм рақсга тушади». Фильм-концерт (рус.).
18.55 «Абитуриент-85». Математика.
19.25 «Алкоголизмга қаршн курашамиз».
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Қария». Телеспектакль. 2-серия (рус.).

ЖУМА

28 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Буратино кўргазмаси».
10.00 Телефильмлар: «Белокурихa», «Пиркулия».
10.20 ССР халқ артисти М. Мордасова куйлайди.
11.05 «Мактаб ислоҳоти». 2-йил.
11.35 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.40 «Политрук Василий Клочков». Ҳужжатли фильм премьераси.
13.10 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
15.55 «Рус тили».
16.30 Болалар учун фильм. «Мишка, кичкинтой ва бошқалар». 1-фильм.
17.00 «Подмосковье қишлоғининг бугунги ва эртанги куни».
17.30 Ф. Шопен. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт.
18.15 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. «Броненосец узра қизил байроқ».
18.45 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Алкоголизмнинг зарари ҳақида ҳужжатли фильм.
19.40 Мультфильм.
19.50 «Фан ва турмуш». Литва ССР Фанлар академияси.
20.20 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм. 5-серия.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Мураббий ёнингда бўлса». Телефильм.
9.45 «Фақат икковимиз». Бадиий фильм.
11.00 «Дарвозаси тиллодан». ЧССРдан олиб кўрсатилади.
11.50 Ҳужжатли фильм.
12.10 «Ажойиб овозлар янграйди».
12.40 «Қизча ва акс-садо». Бадиий фильм.
13.45 «Мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб». «Жаҳон халқларининг ўйинлари» туркумидан ГФР ҳужжатли фильмлари: «Янги Гвинея», «Шотландия».
14.30 «Найда». Мультфильм.
14.45 «Капалакларнинг ғаройиб дунёси». Илмий-оммабоп фильм.
14.55 Инглиз тили.
15.25 «Халқ манфаатларига амал қилиб». СССР Олий Советининг ташқи сиёсий фаолияти ҳақида. Кўрсатувда СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси Л. Н. Толкунов, ТАСС Бош директори С. А. Лосев, СССР ФА вице-президенти Е. П. Велихов иштирок этади.
16.10 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Аксиома». Телефильм премьераси.
19.15 «Онамларнинг мактаби».
19.45 «Яшил шаҳар». Телефильм.
20.00 Ритмик гимнастика.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ф. Гладков. Ижод саҳифалари.
21.30 «Время».
22.05 «Дўстлар даврасида».
23.10 «Тулпорлар, тулпорлар...» Телефильм.
23.20 МТ ва БР эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Болалар учун фильм. «Телескоплар».
10.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёш сеҳргарлар» (такрорий).
11.25 «Қувноқ воқеалар». Бадиий фильм.
12.50 «Осмонга пиллапоя». Телефильм.
13.10 «Мурманск». Ҳужжатли фильм.
13.30 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Фан-техника тараққиёти-85». «Хлорелла дўстларини излайди». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
18.30 «Дунё воқеалари».
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —«Локомотив». «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 Кичик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.25 «Кино оламида».
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Кўнгиллилар». Бадиий фильм (рус.).
18.25 «Спорт кинопанорамаси».
19.00 «Сириус — қардошлик юлдузи». Ҳужжатли фильм.
19.20 «Абитуриент-85». Физика.
19.50 «Бу бақувват нозик-ниҳоллар». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Касблар ҳақида ҳикоялар» (рус.).
20.50 «Ҳамиша сафда». Телевизион киножурнал.
21.00 «Ёзги дам олиш пайти» (рус.).



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—13835. Индекс 64690. 5-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.